



YOSHLAR OVOZI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Хар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти энг аввало унинг оғзаки ижоди — фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллиятнинг ўзини англаш, унинг ўзига хос миллий кадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади.

Ўзбек миллий бахшичилиги ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига хурмат ва эътибор туйғуларини қучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтириш мақсадлидир.

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Термиз шаҳрида хар икки йилда бир марта Халқаро бахшичилик санъати фестивалини (кейинги ўринларда Фестиваль деб юритилади) ташкил этиш ҳамда ушбу фестивални биринчи марта 2019 йилнинг 5-10 апрель кунлари ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита (кейинги ўринларда Ташкилий кўмита деб юритилади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисида низоом ҳамда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини 2019 йилда ўтказиш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ташкилий кўмитага (А.Арипов): Фестивални ўтказиш бўйича белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш; Фестиваль совриндорларига топширилган диплом, сертификат, хайкалчалар намуналарини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни хал этиш вазифалари юклансин.

4. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги: Фестивалга хоржий давлатлардан таникли фольклоршунос

олимлар, бахши, шоир, оқин ва жировлар, ижодий жамоалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва фахрий меҳмонларни таклиф этишда Маданият вазирлигига амалий ёрдам кўрсатсин;

Фестивалга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун Маданият вазирлигининг бюртманомаларига бинoан, Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Маданият вазирлиги Фестивалнинг тантанали очилиш маросимини хар томонлама пухта ва бадий жихатдан бетакрор усулда тайёрлаш учун юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, балетмейстерлар, сахна расомлари, истеъодли ёш санъаткорларни кенг жалб этсин.

7. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Термиз шаҳрида ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, Фестиваль ўтказилаётган сахна майдонлари ва заллар талаб даражасида тайёрлишини таъминласин.

(Давоми 2-саҳифада)

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 2 ноябрь куни халқ таълими тизимини янада ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар самардорлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Таълим-тарбия тизимини мутлақо янги босқичга кўтариш мақсадида жорий йил 5 сентябрь куни давлатимиз раҳбарининг "Халқ таълимини бошқариш тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони, шунингдек, қатор қарорлари қабул қилинди.

Шу йил 1 сентябрдан мактабларда фаолият олиб бораётган 450 мингдан

зиёд педагог ва раҳбар ходимларнинг маоши оширилди. Халқ таълими ходимларига уй, ер, машина сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш тизими жорий этилди. Улар учун махсус давлат муқофоти таъсис қилинди. Ўқитувчиларни бошқа ишларга жалб этиш, мактабларда асосий текширувлар ўтказиш амалиётига чек қўйилди.

Ушбу сазй-харакатлар натижасида халқ таълими тизими жорий йилда 16 минг нафар олий маълумотли ёш кадр билан тўлдирилди. Қарийб 13 минг нафар эркак ўқитувчи мактабларга қайтди.

Президентимиз соҳа олдида яна

кўплаб вазифалар тургани, дарсликлар таъминоти, таълим дастурлари сифати, ўқитувчилар билим ва малакасини ошириш, кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш, чет тилларини ўқиш имкониятини кенгайтириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслигини таъкидлади.

Халқ таълими тизимида ўқув жараёнини автоматлаштириш, ўқувчиларни мактабга қабул қилиш ва кўчириш хизматларини электрон шаклга ўтказиш, давлат-хусусий шериклик асосида хусусий мактаблар ташкил этиш суост бораётгани қайд этилди.

(Давоми 2-саҳифада)



ЭРТАМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қoшдаги Ёш олимлар кенгаши ташаббуси билан "Республика ёш олимларининг инновацион лoйиҳалари" грант танлови ўтказилди. Унда олий ўқув юрларининг 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган бакалавр, магистр ҳамда таянч докторантлари, шунингдек, мустакил тадқиқотчилар — жами 100 нафарга яқин киши илмий ишланмалари билан катнашди.

Танлов Инновацион ривожланиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Интеллектуал мулк агентлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси ва бир қатор олийоқхлар ҳамкорлигида ўтказилди. Гoлибларни аниқлашда тақдим этилган лoйиҳаниннг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятига алоҳида


эътибор қаратилди. Инновацион гoйларни ҳаётга кенг татбиқ этиш имкониятларини инобатга олган юкори малакали экспертлар илмий ишланмаларни аниқ, ижтимоий-гуманитар ҳамда табиий фанлар йўналишида баҳолаб борди.

— 2018 йил юртимизда бежиз "Фаол тадбиркорлик, инновацион гoйлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили", деб номланмаган, — дейди Интеллектуал мулк агентлиги муаллифлик ҳуқуқини лицензиялаш бўлими бошлиғи Абдумалик Йўлдошев. — Бу жарёнда билим ва салоҳиятга эга бўлган, интилувчан, инновацион лoйиҳаларни амалга оширишда жонбoзлик кўрсатадиган ёшлар асосий куч ҳисобланади. Ал-

батта, биз уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватладик. Ўтказилган танловнинг асл моҳияти ҳам шу эди.

Айтиш жоизки, хар бир иштирокчи юртимиз ижтимоий ҳаётидаги муҳим масалалар юзасидан тақдирот қилди. Иқтидорли ёшларнинг илмий-назарий ва илмий-амалий тадқиқотларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришга самарали жорий этиш иштиёки, асосийси, илм-фанга кизкиши кучли. Буни рағбатлантириш керак. Тўғри, тенгдошларимизда тажриба, малака етишмаслиги мумкин. Лекин тақдим этилган ишларда инновацион ёндашув бор. Шунинг ўзи катта гап.

(Давоми 2-саҳифада)



ЧЕТДАН ДУНЁВИЙЛИК ВА ДИНИЙЛИК НИҚОБИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАЪНАВИЯТСИЗЛИККА ТАҚЛИД ҚИЛМАЙМИЗ!

Марказий Осиё Ўрта асрларда исломий илмлар маркази сифатида тан олинган, шубҳасиз. Бу маълум даражада салафия (XII-XIII асрлар) таълимотини илгари сурган араб уламоларининг айрим ҳолларда радикал жавобини келтириб чиқарган, бу моҳиятани халифалик илдизларига қайтиш учун асос бўлди ҳамда кейинчалик замонавий "Ҳизб ут-таҳрир" ва сохта салафий гуруҳлар томонидан восита қилиб олинди.

Ўрта асрнинг мутаассиб доиралари Марказий Осиёдаги ислом таълимотларини қабул қилмагани ва уларга доимий равишда қарши чиққанлигини асосий сабабларидан бири минтақа мактаблари фаолияти ўта кучли бағрикенглик ва эзгулик гoйлари билан йўғрилгани, бунда ўз гoйлари билан ўша даврнинг миллионлаб одамларини бирлаштирган Баҳоуддин Нақшбанд, Ғиждувоний, Хўжа Аҳрор Валий таълимотларига асосланган маънавият таъминланганидан иборат.

Жаҳоннинг энг тан олинган уламоларидан бири Имом ал-Бухорийнинг бутун ислом оламида эътироф этилган "Саҳиҳ" ҳадислар тўплами нафақат пайғамбаримиз (с.а.в.) тўғрисидаги уйдирма ва ёлгондан

халис ривоятлар ва ҳаётлик даврларидаги таърифлари, мулоҳазаларининг ҳаққонийлиги, балки яна ўша гoйлар — бағрикенглик ва эзгуликни ўзида мужассам этгани билан ҳам ҳадисларнинг бош манбага бўлган ва бўлиб келмоқда.

Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўп ҳолларда инквизицияга хос жазоловчи функцияларга эга харбийлашган силсила ва орденлар ҳисобланган сўфий оқимлари ва мактабларидан фарқли ўларок, Марказий Осиёдаги исломда тасаввуф, биринчи навбатда, эзгулик ва бағрикенгликка асосланган.

Марказий Осиё тасаввуфи борасида сўз юритилганда, мутахассислар ва мутахассис бўлмаганлар миёнадаги тасаввуфни Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Суфи Оллоёр, Машираб номлари билан боғлайди.

Ислом динида маърифат, умуман, фан, эзгулик ва юксак бағрикенглик халқлар ирсиятига сингиб борган ҳамда юксак маънавиятнинг бош жиқслаштирувчи кучи сифатида Марказий Осиё давлатлари раванқининг асоси бўлиб хизмат қилган. Бу тамойиллардан чекиниш, ҳеч шубҳасиз, бугунги Марказий Осиё жамиятларида бекарорлик ва таназзулни келтириб чиқариши мумкин. Бугун Ўзбекистон жамият кури-

лишининг дунёвий принципларига асосланган, умуминсоний ва диний кадриятларининг соғлом мувозанатини қўллаб-қувватлаётган хар томонлама дунёвий давлатдир. Таассуфки, замонамиз турли таҳдидлар билан тўқнашмоқда. Улар орасида ташқаридан ўтказилаётган агрессив ақидапарастлик ҳам бор.

Давлат ва жамият ислом шiori остидаги экстремизм ва терроризмга қарши турмоқда. Бу таҳдидлар экстремизм ва терроризм чегара билмаслиги сабабли мамлакатимиз томонидан барқарорлик, хавфсизлик ва изчил тараккиётга реал хатарлар сифатида кўрилатири. Ҳозирги даврда дунёда ушбу таҳдидлардан ўзини тўлиқ ҳимоялаган давлатнинг ўзи йўқ. Бу таҳдидларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши сабаб-оқибатларига эътибор қаратмай, ўрганмай, тегишли чора-тадбирларни қўлламай туриб, уларга қарши туришнинг имкони йўқ. Зеро, глобаллашув ва шиддатли ўзгарувчанлик, бир мамлакат ўз манфаатларини бошқа мамлакат манфаатларини ҳисобга олмасдан, илгари суриши билан боғлиқ жараёнларнинг ноаниқлиги замонавий дунёнинг кўринишларидан бири бўлиб қолди.

(Давоми 3-саҳифада)

"YOSHLAR — KELAJAGIMIZ" DAVLAT DASTURI — AMALDA

24 ЁШИДА КЛИНИКА ОЧДИ!

Қоракалпоғистонлик тенгдошимиз Жақсимурат Ниетуллаев Ёшлар иттифоқи кўмагида 100 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, Хўжайли туманида замонавий стоматология клиникасини очди. Унинг жамоасида олти нафар мутахассис меҳнат қилмоқда.

"Stomolife"га хориждан янги асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилган.

— Мижозларни жалб қилиб олгунча анча қийналдик, — дейди ёш стоматолог. — Ахир, клиникани юритишнинг ўзи бўлмайди. Рақобатчи кўп! Мен учун сифат бирламчи. Шу боис даволаш жараёнида илғор технологияларни қўллашга ҳаракат қилаёмиз.

Мухбиримиз



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланғич 1-саҳифада)

8. Маданият вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда:

Фестиваль доирасида Термиз шаҳридаги "Сурхондарё санъат саройи" давлат муассасаси майдони ҳудудида бахшичилик санъатига оид турли кўргазмалар, миллий соғлар ва либослар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, хайкалтарошлик намуналари, бадий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг соғуви ташкил этилишини;

Фестиваль дастури ишлаб чиқиши ва унинг Фестиваль ўтказилишидан уч ой аввал туризм ташкилотларига тақдим этилишини, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини;

Фестиваль веб-сайтини бир ой муддатга тайёрлаб, Интернет тармоғига жойлаштирилишини ҳамда мунтазам

равнишда янгиликлар, фотосуратлар, аудио ва видео материаллар билан янгилаб борилишини таъминласин.

9. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Фестиваль катташчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратиш чораларини кўрсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, Фестивални тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетли маблаглари ҳисобидан тенг улушларда ҳамда ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида таъкидланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Фестивалга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 1 ноябрь

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

(Бошланғич 1-саҳифада)

Ингилишда шу йўналишларда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, айтилган пайтда мактаб ўқитувчиларининг билими ва малакаси талабга жавоб бермади. Тизимдаги 422 мингдан ортиқ педагогнинг 65 минг нафар ўрта махсус маълумоти. Атиги 11 минг нафар ўқитувчи олий тоифали.

Айни пайтда 3 мингдан ортиқ педагог кадрларга реал эҳтиёж мавжуд. Жумладан, инглиз тили, рус тили ва адабиёти, бошланғич синф, информатика, математика фанлари ўқитувчилари етишмайди.

Шунинг учун Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат вазирлигига вакант лавозимларга педагогларни жалб қилиш, чекка ҳудудларга бориб ишлайдиган ўқитувчиларни рағбатлантириш ва малакасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ўқув-методик ва дарсликлар сифатини ошириш ҳам долзарб масалалардан. Ўқув йили бошланганига 2 ой тўлган бўлса-да, 3-, 5-, 8-синф ўқувчилари учун 33 мингдан зиёд дарслик етишмайди. Дарсликларда хатоликлар қўлини ҳам ачиралтирди. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди.

Ингилишда мактаблар биноси, уларнинг моддий-техник базаси ҳолатига ҳам эътибор қаратилди.

Мактабларда 11 йиллик тизимга ўтилган, ўқувчилар сони 1 миллионга ортган. Бугунги кунда 138 та мактаб филиали ўз биносига эга эмас, 55 та филиалда ўқувчилар сони меъёридан юқори.

Инвестиция дастури доирасида 35 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишларини тезроқ якунлаш керак. 5 мингдан зиёд физика, кимё ва биология ўқув-лаборатория жиҳозлари, 43 минг тўплам ўқув мебели зарур.

Президентимиз белгиланган мактаблардаги қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлаш, марказлашган инвестиция маблаглари ҳисобидан уларни жиҳозлаш кераклигини таъкидлади.

Худудлар талабидан келиб

чикиб, лицей ва коллежларнинг бўшаган биносини жорий йил охирига қадар Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказиш, 2019 йил 1 январгача жойлардаги мактаб филиалларини асосий мактабга айлантириш, мактаб автобуслари билан тизимли таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ингилишда мактабларда билим бериш ва ўзлаштириш даражаси бугунги замон талабларига мос эмаслиги танқид қилинди. 10-11-синф ўқувчиларини касб-хунарга ўргатиш мақсадида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш ишлари қониксариз экани кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимиз бўйича синфларда ўқувчилар сони ўртача 23, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 40 нафарни ташкил этади. Бизда ҳар 13 ўқувчига битта ўқитувчи тўғри келади, ривожланган давлатларда бу 10 нафардан ошмайди. Синфларда ўқувчилар сонини, ҳафталик дарс юкласини камида 5-10 фонизга тушириш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Умумтаълим мактабларида ахборот технологияларининг жорий этилишини ҳам қониксарли деб бўлмади. Мисол учун, баъзи мактабларда информатика фани хали ҳамон эски дастурлаш тили асосида ўтилмоқда, бир қатор компьютер жиҳозлари яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Шу боис, мактабларда компьютер билан таъминланганлик даражасини танқидий ўрганиб, уларни жиҳозлаш бўйича аниқ манзилли дастурлар ишлаб чиқиш, информатика фанини ўқитишнинг замонавий услубларини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда хорижий тажриба асосида хусусий мактабларни ривожлантириш истикболли вазибалардан экани қайд этилди.

Ингилишда мактабларни куз-киш мавсумига тайёрлаш ишларининг бориши ҳам муҳокама қилинди. Халқ таълими ва Молия вазирликлари маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда 2 hafta муддатда мактабларни куз-киш мавсумига тўлиқ тайёрлаш чораларини кўриш зарурлиги таъкидланди.

(Бошланғич 1-саҳифада)

— Илми ёшларимиз кўп. Аммо уларга доим ҳам етарли имконият яратолмаймиз. Ҳатто юртимиз бўйлаб ўтказилган "Ёшлар ҳафталиклари" доирасидаги тадбирларда ҳам олий маълумотга эга бўлмаётган турли фойдали иштиролор қўлаётган йигит-қизларни учратдик. Шу боис кейинги йилдан



**Зебинисо
ҲАМРОҚУЛОВА,**
Тошкент давлат
педагогика
университети
докторанти:

— Юртимизда кемирувчилар туркумининг гелимнтофаунаси охири эллик йил мобайнида ўрганилмаган. Мақсадим — шимол-шарқий ҳудудларимизда учрайдиган кемирувчилар организмидеги паразитларни аниқлаш ва уларга қарши дори воситаларини ишлаб чиқариш. Лойиҳамда бунинг иқтисодий самарадорлигини назарий асослаганман. Энди уни амалиётда қўллаб кўрмоқчиман.

ЭРТАМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

инновацион лойиҳалар таълимини нафақат пойтахтимиз, балки ҳудудларда ҳам ўтказамиз, — дейди Республика ёш

олимлар кенгаши раҳбари Камолiddин Мирзахмедов. — Таълим фойдалари билан эса, бир жамоа бўлиб илмий из-

ланишларни давом эттирамиз.

Таълимда ғолиб бўлган изланувчан ёш олимларга ўн миллион сўм миқдордаги пул мукофотлари топширилди. Энди улар ўз лойиҳасини такомилга етказиб, ҳаётга татбиқ этиши керак. Бунга олти ой вақт ажратилди.

Ҳасан УСМОҢОВ

Толибжон МУСТАҒОЕВ,
Тошкент Халқаро Вестминстер университети талабаси:



— Ёшларнинг саводхонлик даражаси, қабул қилинаётган расмий ҳужжатларга муносабати, қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятини қанчалик билишини аниқлаш лойиҳамнинг бош мақсади ҳисобланади. Бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимояланмиш учун, аввало, ўз чўки оламимизни тарбиялай олишимиз ҳамда ҳуқуқий саводхонлигимизни оширишимиз лозим.

Мадина ҲАМИДОВА,
Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети талабаси:



— Аҳолига тез ва сифатли ёрдам кўрсатиш жуда муҳим вазифа. Таклиф этган инновацион лойиҳам нафақат соғлом, балки қар, соқов одамларга ҳам қулайлик тугдиради. Мен ишлаб чиққан мобил механизм тез ёрдамни ўз вақтида чақириб ҳамда унинг манзилга беҳато боришини таъминлайди.

ESHITDINGIZMI? ЙИЛ ОХИРИГАЧА 10 та ПРЕМЬЕРА



М.АҚБЕКОВА

“Ўзбеккино” миллий агентлиги йил охиригача ўн та бадий фильмни томошабинлар эътиборига ҳавола этади. Уларнинг мазмун-савияси ҳақида пойтахтимизда ташкил этилган матбуот анжуманида сўз борди.

Кейинги икки ой мобайнида юртимиз кинотеатрларида “Сарвкомат дилбарим”, “Исик нон”, “Тинчлик ортида”, “Берлин – Оккўргон”, “Элларвар”, “Санд билан Саида”, “Имом Исо Мухаммад ат-Термизий”, “Шашмақом”, “Шоду хуррамлик”, “Парвоз” намойиш қилиниши кутилмоқда. Картиналар тарихий, ҳарбий-ватанпарварлик ва бадий-публицистик йўналишларда яратилган.

Премьералар мавсумини Чингиз Айтматов асари асосида режиссёр Сарвар Каримов томонидан суратга олинган “Сарвкомат дилбарим” фильми бошлаб беради. У киргизистонлик кинорежиссорлар билан ҳамкорликда ишланди. “Шоду хуррамлик” эса, ўзбек ва ҳинд кино усталарининг биргаликдаги илк ижод маҳсулидир.

БАЛЛИ, ТЎПУРАРЛАР!



Шахноза ХОЛИҚОВА
Абдуҷалил АБДУРАҲИМОВ

Самарқандда олий ўқув юрғлари ўртасида мини-футбол бўйича “Иттифок кубоғи” мусобақаси бўлиб ўтди. 400 нафардан зиёд талаба “Ёшлик” ўйингоҳида ғолиблик учун кураш олиб борди.

Уч кун давом этган кизгин баҳслар якунида Самарқанд иқтисодий ва сервис институти жамоаси барча рақиблардан устун эканини намойиш этди ва асосий совринни кўлга киритди. Шўҳсуланинг қолган поғоналарини Самарқанд давлат архитектура қурилиш ҳамда Самарқанд давлат чет тиллар институти футболичилари банд этди.

Андижонда “Yoshlar — kelajagimiz” шiori остида ўтказилган мини-футбол мусобақасида эса, ички ишлар профилактика рўйхатида турган 120 нафар ёш ўз маҳоратини намоеъ этди.

Мусобақа ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилди. Ўзаро дўстлик руҳида кечган баҳслар натижасига кўра, Олтинқўл тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Пахтабод ва асақалик ёшларга иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

Ғолиблар Ёшлар иттифокининг вилоят кенгаши ҳамда ички ишлар бошқармаси томонидан тайёрланган диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.



Элдор НАВРЎЗОВ

Ёшлар иттифокининг Марказий Кенгаши ташаббуси билан барча таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини ўрганиш, уларга услубий қўмақ бериш мақсадида илчи гуруҳи тузилди. Илч сафар Жиззах вилоятининг Арнасой туманига бўлди.

Хулудда 92 минг нафардан ортиқ ёш истикомат қилди. Шундан салкам 54 минг нафари Иттифокка аъзо.

Илчи гуруҳи аъзолари арнасойлик етакчи ва сардорлар билан учрашиб, муаммолари, келажак режалари билан қизикди, сиёсий билиминини ошириш юзасидан фикр алмашди. Шундан сўнг Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истикболли қарларини тайёрлаш институтининг малакали ўқитувчилари томонидан ўқув машғулотлари ўтилди.

— Шу аснода билимимизни оширибгина

колмай, тажриба алмашиш имконига ҳам эга бўлдик, — дейди 10-умумтаълим мактабининг ёшлар етакчиси Жамшид Саидов. — Қолаверса, етакчи аслида ким, унинг вазибалари нима-лардан иборат, муаммолари вазибаларда қандай иш тутиш керак, деган муҳим саволларга жавоб топдик.

Семинардан сўнг бир қатор мактаблар фаолияти бартараф этиш юзасидан таклифлар берилди.

Мирзақўл туманидаги 5-умумтаълим мактабиде бўлиб ўтган учрашууда сардорлар ижтимоий ҳимоя, саломатлик ва экология йўналишларида режалаштирган лойиҳалари тақдимотини ўтказди. Муассасаддаги бошланғич ташкилотнинг моддий-техник базасини яхшилаш, радиоузел фаолиятини йўлга қўйиш каби кўпгина масалалар муҳокама қилинди.

Амалий семинар ва ўқувлар вилоятнинг барча туманларида давом этмоқда.

БУЮК АДИБ ҲАҚИДА ЯНГИ КИТОБ

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА муҳбири

Президентимизнинг жорий йил 2 апрелдаги “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллу-дининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Фарғона вилоятида ҳам турли маънавий-маърифий тадбирлар, адабий кечалар ўтказилмоқда.

Чингиз Айтматов асарларини мутолаа қилган ўқувчи ҳаёт, инсон, олам, тирикчилик ҳақида ўзи учун кўп хулосалар олади. Адибнинг эзгулик ва гуманизм ғоялари, миллий ва умумбаъшарий кадриятлар улугланган, турли миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган асарлари мамлакатимизда миллионлаб нусхада нашр этилмоқда.

Буюк адибнинг ўлмас бадий меросини тарғиб этиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида ўқувчиларни бохабар қилиш борасида ҳам адабиётшунос олимлар томонидан бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Таникли адабиётшунос, филология фанлари доктори, про-

фессор Йўлдош Солижоновнинг “Фарғона” нашриётида “Чингиз Айтматов — адолат ва ҳақиқат қуйчиси” деб номланган китоби чоп этилди.

Фарғона давлат университетида мазкур китобнинг тақдимоти ўтказилди. Унга адабиётшунос олимлар, шоир-ёзувчилар, талабалар таклиф этилди.

Китобда машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг ҳаёт ва ижод йўли, илк ҳикояларидан тортиб, кинса ва романларига, улардаги қаҳрамонлар руҳияти, воқеалар талқини, шунингдек, буюк адиб ижодининг ўзбек адабиёти ривожидеги ўрни, асарларидаги бадий таҳлил каламкара олинган.

— Чингиз Айтматов ўзбек ёзувчилари ижодига, ўзбек адабиётига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатган адиблардан биридир, — дейди Й.Солижонов. — Адиб ўзбек халқи, адабиёт ихлосмандлари учун ниҳоятда қадри ва сеvimли. Унинг асарларини қайта-қайта мутолаа қилиш ҳар гал янги ва ўзига хос жиҳатларни намоеъ қилаверади. Мазкур китоб эса бизга адиб ҳаёти ва ижоди, адабиётга қўнган хиссаси, бой маданий мероси ҳусусида ҳикоя қилувчи муҳим манба бўлиб қолади.

ЧЕТДАН ДУНЁВИЙЛИК ВА ДИНИЙЛИК НИҚОБИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАЪНАВИЯТСИЗЛИККА ТАҚЛИД ҚИЛМАЙМИЗ!

(Бошланиши 1-саҳифада)

Экстремизм ва терроризм алоҳида мамлакат ва минтакаларни бекорлаштириш мақсадида қўлланганидан воситага айланипти.

Шу билан бирга, булар нега айнан ислом байроғи ва ширлари остида қилинапти, деган саволга мутахассислар, диннинг бирлаштирувчи функциясини инобатга олган ҳолда, радикалларнинг динга мурожаат этишини ўзини ислом қадриятлари асосида бирлашган халқ номидан ҳаракат қилаётгандек кўрсатишга уриниш сифатида изоҳлайдилар.

Амалда, мутахассислар таъкидлашча, радикализм XX асрнинг 70-йилларида Латин Америкасида ўша вақтда ғоя сифатида энг жозибдор ҳисобланган коммунизм ширлари остида ўзини фаол намоен этган. Шу билан бир қаторда, ўша пайтда халқаро коммунизм ҳаракати Латин Америкасида бекорлашувга эришиш мақсадида турли радикал тузилмаларни қизғанмасдан молиялаштиргани ҳисобга олинса, буюртмачилар ва маблағ мавжуд бўлганда коммунизм байроғи остида ҳаракат қилишдек ягона талабга риоя этган ижрочилар ҳам топилганини таҳмин қилиш мумкин.

Бугун, Марказий Осиё шароитида объектив воқеликни ҳисобга олиб, радикалларнинг коммунизм байроғи остида ҳаракат қилиши ҳамда соф ислом қадриятлари чуқур илди отган минтақага кириб келиши галати бўлар эди.

Радикаллар минтақада ўз фаолиятини муваффақиятли олиб боришлари, таянч нуқталарини топиши учун мусулмонлар муҳитида маълум бир маънавий бўшлиқ ва издан чиқиш бўлиши керак. Мутахассислар минтақада четдан туриб соф исломнинг эзгулиги ва бағрикенглиги ўрнига, айниқса, иктисодий, маънавий жиҳатдан заиф ва билимсиз, таълим даражаси етарли бўлмаган, маънан камол топмаган айрим ёшлар ўрнатилади.

Мамлакатда, айниқса, айрим ёшларнинг ислом динига доир старлича билимларга эга бўлмадан туриб ўзини эътиқод қилувчилик кўз-кўз қилишга интилиши, сохта диндорлиги диккатни тортади. Айни пайтда уларнинг фикр-мулоҳазасида ислом қадриятларини юзаки тушуниш оқибатида шовма-шошарлик билан ўрганиб олинган ибораларга асосланган қатъийлик кўзга ташланади. Ушбу хулқ-атвор бундай одамлар сай-ҳаракатларнинг сабаби чуқур, астойдил имон билан эмас, балки сохта диндорлигини атрофдагиларга кўз-кўз қилишга уриниш билан чекланган. Ислолда бирор-бир нарсани кўз-кўз қилиш "риё" тушунчаси билан таърифланади.

Ислом нуқтан назаридан номақбул бўлган ушбу ҳолат ҳамда исломни бузиб тушуниш тўғрисида шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ёзган эди. У исломда диний маросимларни кўз-кўз қилиб адо этиш, у ёки бу кийимни кийиш қалба, юракдаги асл имон-

нинг ўрнини боса олмайди, деб бир неча бор айтган. "Одамлар кўрсин" қабилидаги диндорлик исломда қораланади.

Ахлоқ эса чуқур имон, тарбия билан чамбарчас боғлиқ. Хўжақўрсинга эмас, чуқур ва ташки атрибутлардан мустақил қадриятлар кўринишидаги диндорлик исломнинг ўзини ўзи назорат қилиш — нафс ва бошқа талаблари билан боғлиқ дунёвий жамиятдаги ахлоқ кодексига узвий мос тушган фарзларига асосланади. Демак, ахлоқ кодекси бағрикенг жамиятда инсофли инсон сифатида эътироф этилишини истаган ҳар ким учун умумийдир.

Бундай жамиятда эътиқод қилувчилар орасида шак-шубҳасиз обрўга эга дин ар-бобларининг бир гуруҳи бўлиши лозим, улар эътиқод қилувчиларнинг у ёки бу масалага муносабатини, шу жумладан, асл имонли инсон учун "риё"нинг номақбуллиги тўғрисида онгли тушунчани шакллантириши, имон хўжақўрсинга эмас, қалба, юракда эканлиги, шу билан бирга, инсоннинг хулқ-атворида ҳам намоен бўлиши лозимлиги, қолаверса, юзакилик имон сустигидан далолат эканини етказишлари керак. Диншунос мутахассислар қатта афсус билан замонавий жамиятда дин вақиллари муҳитида бир жиҳат — конформизм, яъни мурасчиликка мойиллик кузатилаётганини таъкидламоқда. Айни пайтда мурасчилик уларда "риё" масаласи борасида ўз муносабати йўқлигидан далолат беради, оқим билан бирга ҳаракат қилиш, "сизга ҳам, бизга ҳам" қабилида бетарафлик кузатилади.

Эҳтимол, чуқур эътиқод билан шакланган муносабатнинг мавжуд эмаслиги қайта кўриб чиқиши лозимдир. "Риё" эътиқод қилувчининг хулқига, моҳиятан дунёвий бўлган жамият мангига ҳам мос келмайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ислом тамаддунидаги ўрнини у ёки бу даражада тан олган қатор хорижий мутахассислар шу соф ислом тамаддуни макони ташқарисидан туриб бизга ет қарашларнинг синдирилишига йўл қўймайди лозим, деб ҳисоблайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бир нарсани тушуниб олиш лозимки, биз ва фақат биз ўз қондаларимизни ўзимиз ўрнатамиз ва тартибни белгилаймиз. Четдан дунёвийлик ёки динийлик никобида ўтказилаётган маънавийтсизликка тақлид қилмаймиз!

Шу тарзда юксак маънавият маърифатли, бағрикенг ислом билан уйғунликда ҳамда дунёвий жамиятдаги чуқур эътиқоддан келиб чиқувчи ахлоқ бугун Ўзбекистонда дунёвийлик ва динийликнинг соғлом мувозанатида бағрикенглик ва эзгулик аънавалари мавжуд бўлган ва бундан буён ҳам сақлаб қолинган мамлакат барқарорлиги, изчил тараққиёти ва раванкига эришишнинг стратегик шарт сифатида қабул қилиниши лозим. Бу — бизнинг позициямиз.

Фаррух БЎТАЕВ.

("Халқ сўзи" газетасидан олинди)

SENING TENGDO SHING

"ҚАЛПОҚЧА" билан тил ўрганинг



Шерзод МАХМУДОВ

"Facebook" ижтимоий тармоғи асосчиси Марк Цукерберг машҳур бўлиб кетмасидан аввал болаларнинг ақлий қобилиятини ривожлантирувчи компьютер ўйинини ишлаб чиққан экан. Кейин ўша муваффақиятидан руҳланиб, ўзи устида ишлашни давом эттирди ва ҳозирда миллиардлаб даромад келтираётган компанияга асос солади.

Албатта, ҳамма учун фойдали дастур яратиш яхши. Аммо махсулотга талаб ва қизиқиш ҳам юқори бўлиши керак-да. Яшириб нима қилдик, "Хўрозқанд чет элники", деса ўзимизни томдан ташлаймиз. Фарзандларимизни хорижнинг беҳаёлик, зўравонлики тарғиб қилувчи виртуал ўйинларидан асраш чоралари ҳамон иш бермайпти. Сабаби бу борада инновацион фикрлай оладиган ёш дастурчилар салохиятидан тўлақонли фойдалана олаётганимиз йўқ-да.

Вазиятни ўнглаш вақти етди. Хўш, нима қилиш керак? Ечим қандай? Аввало, иқтидор соҳибларини топиш, ундан кейин эса, рағбатлантириш зарур. Бу жуда ишончли, муҳими, самарали механизм. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "INNOWEEK" халқаро ҳафталиги новатор ёшларга ўзини кўрсатиш имконини берди. Давид Қонарбаев билан айнан шу майдонда танишдик.

Давид Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида тахсил



олади. Ёшлар учун таъсис этилган Давлат мукофоти — "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланган. Тенгдошимиз Инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида ташкил этилган халқаро ярмаркада "Қалпоқча" номи компьютер ўйини билан қатнашиб, кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди.

"Қалпоқча" — мактаб ўқувчиларига мўлжалланган ўйин, — дейди ёш дастурчи. — Дастур ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида ишлайди. Бу эса, бир вақтнинг ўзига тўртта тилни ўрганиш мумкин деган гап. Дизайини яратишда миллийлик элементларидан фойдаланишга ҳаракат қилдим.

Ўйин шартларига кўра, фойдаланувчи 26 та харф тўплаши керак (хар бири биттадан бўлимини ифода қилади). Шундангина ўтовга етиб, навбатдаги босқичга ўта олади. "INNOWEEK" якунларига кўра, Давид айнан шу ишланмаси туфайли "Ёш инноватор" йўналишида махсус мукофотга сазовор бўлди. Биз эса, тиниб-тинчимас қорақалпоқ йигитининг келгуси ишларида зафарлар ёр бўлсин, деб қоламиз.

АЖДОДЛАРГА ҲУРМАТИ БАЛАНД

Орифжон ЖЎРАЕВ

Наманган давлат университетининг таянч докторанти Сардор Рустамов жорий йилда Ёшлар иттифоқи тавсияси асосида "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланди.

пендиаси ҳамда "Юрт келажиги - 2014" иқтидорли ёшлар танловларида ғолиблар сафидан жой олди.

Тенгдошимиз илмий-амалий анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Бундан ташқари университетнинг "Ёш олимлар" кенгаши раиси этиб ҳам сайланган. Камтар, табиятан вазири ва мулоҳазали бу йилгитга қараб ҳавасингиз келади. Юртимизда ана шундай ёшлар кўпайишини астойдил хоҳлайсан, киши.

Жорий йилнинг май ойида давлатимиз раҳбари Наманганга ташрифи чоғида Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон Тўра Иброт мемориал мажмуасини зиёрат қилганди. Ўшанда Сардор Рустамов Президентимизга маърифатпарвар бобомизнинг бой маънавий мероси ҳақида сўзлаб берган.

— Иброт домлага бўлган ҳурмат ва у билан фахрланиш ҳисси Юртбошимизнинг юзидан шундоққина сезилиб турарди, — дейди қахрамонимиз. — У кишига буюк аждодимизнинг хайрли ишлари ҳақида катта иштиёқ билан сўзлаб бердим. Шавкат Миромонович Иброт доланининг кўплаб китоблари қаттагон йилларида ёқиб ва кўмиб юборилгани, бу халқимиз учун катта йўқотиш бўлганини афсус билан таъкидлади. Айниқса, алломанинг архитектура соҳасидаги ёндашувларини кузатиб, мазкур тажрибани, албатта, ўрганиш ва кенг ёйиш зарурлигини уқтирди.

Сардор каби навқирон ёшларга боқиб, аждодларимиз ёққан илм чироғи сира ўчмаслигига яна бир қарра амин бўламиз.

ACSHIQTOSH

АЙТМАСАМ, ТИЛИМ КУЯДИ

Ақмаджон ЙЎЛДОШЕВ
Навоий вилояти

Ёшлар иттифоқи ташкил топган кун ҳозиргидек эсимда. Ўнлаб фидойи ва жонқуяр ёшлар олдида Президентимиз бу ташкилотга катта ишонч билдирганди. У йигит-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қодир қучли тузилмага айланишини қутганди.

Ўтган бир йилдан ортқ вақт мобайнида юз минглаб тенгдошларимизни ўз сафига қўшиб, уларга таянч, қўмақдош бўлишга ҳаракат қилмоқда. Лекин танганинг бошқа томони ҳам бор. Ёшлар иттифоқи давлат томонидан очиб берилган жиғаларнинг ҳаммасини ҳам дарёга айлантира олаётгани йўқ.

Бинонинг мустаҳкамлиги пойдеворга боғлиқ. Худди шу маънода, янги ташкилот ҳам реал қучга айланиши учун унинг аъзолари бирдам бўлмоғи зарур.

Умумтаълим мактабларида Ёшлар иттифоқи сардорларининг сайловлари ҳар йили ўтказилади. Лекин, афсуски, ҳамма жойда рисолагаддек эмас. Ўтди-ўтди қабилида иш тутилаётган ҳолатлар қанча. Айрим ўқувчилар жуда "моҳир актёр" бўлгани, кимнинг олдида ўзини қандай тутиш кераклигини жуда яхши билгани учун ҳам "сардор" деган номга "мушарраф бўлмоқда". Бундай кўз-бўямачиликка йўл қўйверсақ, бора-бора виждонимиз занглаб қолмайми?

Шу ўринда беихтиёр Жалолиддин Ру-

мийнинг "Ё эслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл!" деган ҳикмати ёдга тушади. Маккор сардорларга айтар яна бир гапимиз бор: актёр фақат сахнада "қирол" бўлиши мумкин, ҳаётда эмас!

Бошқа аччиқ ҳақиқат шуки, айрим мактаб сардорлари ўзининг ерда юрганини унутиб қўйгандек, гўё. Тумшуги осмонда. Бировга маслаҳат беришдан оғинади.

Ҳа айтганча, мабодо сардор бўлиб сайланиб қолсангиз, мактаб нари турсин, ҳатто Бобил дарвозалари олдингизда ланг очилиб, Хаммурапининг ўзи йўл беради. Нимага дейсизми? Биргина мисол: қайсидир дарсга киргингиз йўқ. Устоғиз: "Ташкилий ишларим бор", — десангиз тамом, дарсдан овоз бўласиз-қоласиз...

Гапирса гап қўп. Ҳақиқат оғир ботган бўлса, уэр, сардорлар. Лекин айтмасам, тилим қудди. Илло, вазият чидаб бўлмас даражага етган-да.

IFLON

ХАЛҚАРО ҚИЛИЧБОЗЛИК ФЕДЕРАЦИЯСИ

11 ноябрь куни қиличбозликнинг шпага тури бўйича эркаклар ўртасида халқаро "сателлит" мусобақаси, 17-18 ноябрь кунлари эса, ўсмир қизлар ўртасида қиличбозликнинг сабля

тури бўйича жаҳон кубоғи баҳслари бўлиб ўтишини маълум қилади.


Барча ихлосмандларни катта спорт байрамида иштирок этишга таклиф қиламиз.



Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Корхонотга кўчаси, 2Ф-уй, Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ("Ўзбекистон" спорт мажмуаси).

TOSHOYNA

HAYVON EMASMIZ-KU!



Shohrux IBODULLAYEV

Fotografiya san'atiga qiziqaman. Chiroyli manzaralarni suratga tushirish jonu dilim. Ishlarimni asosan ijtimoiy tarmoqlardagi sahifalarga joylashtiraman. Ko'pchilik shunday qiladi. Lekin bugun internet makonini yoshlarning bemaza qiliqlar qilib tushgan suratlari to'ldirib yuborgan. Ayrimlarini ko'rib, hatto uyalib ketasan, kishi.

Ikki o'smiring bir-birini quchoqlab tushgan surat e'tiborimni tortdi. Sababi qizning yuzi maxsus dastur yordamida gul bilan berkitilgan. Ajabo! Suratga tushishga-tushib, yuzni pana qilishga nima bor? Yuz, chehra Alloh tomonidan bizga ato etilgan inoyat. Bundan noshukr bo'lmoq, tabiiy

chiroyga putur yetkazmoq gunoh. Uyali telefonlarga mo'r-malahdek tarqab ketgan, tana yoki soch rangini o'zgartirish, soqol, qosh qo'yish imkonini beruvchi dasturlar aslida insonni kulgu ob'ektiga aylantirmayaptimi?! Ba'zilar suratdagi boshi, qulog'i-yu burnini it yoki boshqa hayvonnik bilan almashtir-

ganiga ham guvoh bo'lamiz. Bunday bachelkanalik ota-bobolari dunyoga ilmu ma'rifat nurini sochgan buyuk zotlarning avlodlariga aslo yarashmaydi. Inson "hayvon"ga aylab borayotganini jimgina kutatib o'tirish nojoiz. Hamma narsada me'yor bo'lgani ma'qul. Shuni unutmamak bas.

YOSHLIK ILHOMI

Kapalak

Baxtiniso PARDAYEVA

Metro... Yonimdagi sochlarini chiroyli o'rib olgan qizga asta gap boshladim: "Soch turmagingiz juda yarashibdi!" Qizning chehrasi yorishib: "Rostdanmi? O'zim o'rdim. Sochlarimni doimo shunday turmaklab yuraman", — dedi.

Tanishuvimiz shundan boshlandi. Yo'limiz bir ekan. Suhbatimiz so'nggi bekatgacha davom etdi. Gaplashib ketyapmiz-u, qizning qo'li sochlarida, har daqiqa jilmayib, silab qo'yadi. O'zini dunyodagi eng chiroyli qiz deb tasavvur qilgan bo'lsa kerak. Sochlarini xayolan turmaklaydi. Boshqalarga taqlid qilib yoki moda jumallariga qarab emas. Chunki uning o'z dunyosi bor. Bu dunyoda bosh-qalardan-da chiroyliroq, har tong olamga sepini yoyuvchi quyosh nurlarining, oy va yulduzlarning, fusuksiz fasllarning tarovati mujassam.

Xullas, hamrohim bilan dugona bo'ldik. Gulzodaning ko'zlari ko'rmaydi. Shunday bo'lsa-da, u juda irodali qiz ekan. Atrofidagilarga og'irligi

tushishini istamaydi. Hamma ishni o'zi bajarishga harakat qiladi.

Toshkentga kelib, o'qishga hujjat topshirdi. Hozir O'zbekiston davlat konservatoriyasida ta'lim olayпти. U mumtoz qo'shiqlarni maromiga yetkazib kuylaydi. Gulzodaning xushovozligi tezda tilga tushdi. U faqat vokal bilan cheklanmay, fortepiano va dutor ham chaladi. Bo'sh vaqtda til o'rganadi. Turli tanlovlarda ishtirok etib, faxrli o'rinlarni egallagan.

Gulzoda o'zbek san'atini jahonga tanitish, muhtasham san'at saroylarida yakkaxon konsertlar berish niyatida. Ba'zida biron ishni uddalay olmay, o'zimga ishonchim pasaygan vaqtda hech qachon taslim bo'lmaydigan Gulzodani eslayman. Undan o'rnak olaman.

Yaqinda qo'l-oyoqsiz surat chizadigan musavvir haqida ko'rsatuv berildi. O'sha rassom yigit to'rt muchasi sog' odamlarga qaraganda iqtidorliroq, muhimi, mehnatkash. Shunda bir xorij filmini esladim. Undagi har bir detal bir-biri bilan bog'liq holda ko'rsatilgan.

Dastavval ekranda qo'lida shishacha ushlagan bola ko'rinadi. Idish yuzida kapalak qurti aks etgan. Keyin qo'l va oyog'i yo'q kishining boshidan o'tkazganlari, qiyinchiliklarni yengish yo'li da ko'rsatgan matonati tasvirlanadi. Kapalakqurt, yani film qahramoni o'ziga bo'lgan kuchli ishonch va iroda tufayli qobiqni yorib chiqib, samoga parvoz etadi. Shu bilan u jamiyatda, hamkasblari orasida o'z o'rniga ega bo'ladi.

Hayot sinovlarini mardonavor yengib kelayotgan Gulzoda yoki qo'l-oyoqsiz rasm chizayotgan musavvir yigit ham metin irodasi tufayli jamiyatda o'z o'rnini topdi. Ular, albatta, yuksaklarga parvoz etajak!

BILIMDONLIK MASHQLARI

KROSSVORD. Eniga: 5. "Shashmaqom" tarkibiga kiruvchi asar. 6. Turkiyalarda naql qilinshicha to'kinlik va mehmondorchilik ramzi hisoblanuvchi ro'zg'or buyumi. 10. Lotin tilidan tarjima qilinganda "eshilgan", "eshma"; "xamirdan tayyorlangan yumaloq mahsulot" ma'nosi ni anglatuvchi, bejamli qandolat turi. 11. Nomi shamsiya yili oyidan kelib chiqqan, shakli tuxumsimon, o'rtacha kattalikdagi qovun navi. 12. Yunonistonda, keyinchalik g'arbiy Yevropada XVIII asrga qadar arifmetik amallarni yechishda qo'llanilgan asbob. 13. Shaxmatda biron dona bilan shohga hujum qilish haqida ogohlantirish.

15. Qarshi shahrining o'rta asrlardagi nomi. 17. Zeb-ziyat buyumlarida ishlatiladigan turli rangdagi qimmatbaho tosh. 18. Baytning bir satrini ifodalaydigan tushuncha. 19. Echkinning qimmatli serjun zoti, quyoning shu echkiga o'xshash junli zoti ham shu nom bilan ataladi. 23. Janubiy Amerikadagi tog'li davlat. 24. Iste'dod sohiblari sazovor bo'ladigan Davlat mukofoti. 25. Nomi bor-u, o'zi yo'q afsonaviy qush. 26. To'p va chavgonlar bilan ochiq maydonda o'ynaladigan sport turi. 28. Maqsadni yuzaga chiqarish uchun kishida bo'lgan matonat va qat'iyat. 30. Milliy chavandozlik musobaqasi. 31. Erkin Vohidov qalamiga mansub

qasidalardan biri. 32. Fransuz va italyan tilidan tarjima qilinganda "zarba" ma'nosini beruvchi, sim to'rtli, shakli to'rtburchak anjonda sakrash sporti.

Bo'yiga: 1. Pichoqsoz hunarmandlari bilan tanilgan Farg'ona vodiysidagi maskan. 2. Haydalgan yerning kesaklarini maydalab tekislash va zichlash uchun ishlatiladigan qishloq xo'jaligi asbobi, yog'ochdan yasalgan borona. 3. Janubi-Sharqiy Osiyoda bundan yetti ming yil muqaddam ekilgan, ko'hna makonlari Hindiston, Xitoy va Markaziy Osiyo hisoblanuvchi suvsevar don. 4. Forschadan tarjima qilinganda "tarqosimon barg" ma'nosini anglatuvchi, g'ozaning hosilga aylanadigan a'zosi. 7. Ovchilar qo'lga o'rgatib, parranda ovlaydigan yirtqich qush. 8. Nizomiy Ganjaviy, Abdurahmon Jomiy, Xisrav Dehlaviy, Alisher Navoiyni birlashtirgan mumtoz adabiy asar. 9. Markaziy Osiyoda yashagan massagetlar malikasi To'marising jasarati haqida ma'lumotlar yozib qoldirgan yunon muarrix Gerodot asos solgan fan. 14. Mevasi qizil va yirik, kechpishar uzum navi. 15. Daryoga nomdosh tansiq taom. 16. Inglizchadan tarjima qilinganda oxirgi, so'nggi ma'nolarini anglatuvchi, sport musobaqalarida o'yin g'olibini hal qiluvchi bosqich. 17. Ma'rifatparvar shoir Muqimiyning hajviy she'ri. 20. Abdurahmon Jomiy ta'rificha: "Ichi g'uncha kabi varaq-varaqdir, Qimmatda har varaq tabaq-i tabaqdir". Bu nima? 21. Qadimgi Misr fir'avnlarning piramida shaklida qurilgan katta tosh sag'anasi. 22. Toshkent viloyatidagi bahavo dam olish maskani. 27. Kipr, Misr, Sudan kabi bir qator davlatlar pul birligi. 28. Tabobat ramziga aylangan jonivor. 29. Atoqli shoir Rasul Hamzatov mansub bo'lgan millat. 30. Bobotog' va Hisor tizma tog'lari etagida joylashgan tuman.

MUAMMONOMA. Kalit so'zlar:

1. Amir Temur hikmatidan: "20, 14, 18 — adolatdadir".
2. Qomusiy alloma Abu Rayhon Beruniyning asari — 19, 2, 6, 9, 2, 10, 21, 3, 6.
3. Biron maqsadda tuzilgan ijtimoiy birlashma — 16, 1, 5, 2, 22, 1, 21.
4. Dunyo iqlimlaridan biri — 15, 1, 8, 7.
5. Burchakning to'g'riligini tekshirish uchun ishlatiladigan chizmakashlik asbobi — 11, 13, 6, 2, 22, 1.
6. Kompas ixtiro qilingan mamlakat — 17, 2, 21, 3, 22.
7. Gulsapsarga o'xshab ochiladigan, gullari qizil, sariq bo'lib, barglari shapaloq manzarali o'simlik — 12, 3, 22, 2, 11, 14, 4. Endi shakl atrofidagi raqamlarni kalit so'zlari javoblaridagi harflar bilan almashtrish orqali muammonmani yeching. Bunda qomusiy alloma Abu Ali ibn Sino yozib qoldirgan ikki misra hikmatni bilib olasiz.

Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV.

KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR



Ota-onam — aziz

Esimni tanibmanki, dadam meni erkalagani yoki ota-bola xotirjam o'tirib, suhbatlashganimni esolmayman. Otam qattiqqo'l, talabchan odam. Menga doimo og'irroq yumush yoki mas'uliyatliroq vazifa topshirdi. Xato qilsam yoki ishni oxirigacha yetkazmasam, qattiq dashnom eshitardim. Begona odam bu holni ko'rib: "Otam seni ko'chadan topib olmaganim, nega buncha qiyonaydi?" — deb hayron bo'lar, men esa, indamdim. Lekin ichimda bunday munosabatning sababini bilishga intildim. Shunga qaramay, otam meni yaxshi ko'rishini bilardim.

Bunyod ABDULLAYEV, talaba

Biz eskiroq hovlida yashardik. Bahorda pastak devorimizning usti qizg'aldoqlarga burkanardi. Onamga: "Gullola olib bering", — deb xarxasha qilardim. Maqsadimga yetgach, otamning mototsiklida o'ynab o'tirardim. Uyimizda uchta mototsikl bor edi.

Kunlarning birida dadam yuk mashinasi bilan keldi. Hamma mototsikllarni mashinaga ortdi-da, ketishga chog'landi. Men orqasidan qarab qoldim. Otam esa, tabassum qilib: "Seniki uyda!" — dedi. Katta bo'lgach angladim — bolaligimning bir bo'lagini berib yuborishga ko'zi qiymagan ekan o'shanda.

Maktabimizda sinflararo musobaqa o'tkazildilar. Sinfdoshlar bilan bir asarni sahnalashtririb, "Eng yaxshi rejissyor" nominatsiyasida g'olib bo'lgandim. Onam: "O'zinning rejissyor o'g'limdan aylanay!" — deb rosa quvonib, peshonamdan o'pdi. Otam esa: "Yaxshi bo'libdi!" — dedi-yu, boshqa so'z aytmadi. Ammo qarindosh-urug', oshna-og'aynisiga maqtanib yurdi. Kollejni tamomladim. Institutga hujjat topshir-

dim. Afsuski, ikki yil imtihondan yiqildim. Uyalganimdan otamning ko'ziga qaray olmasdim. Nihoyat, bu yili san'at oliyog'iga o'qishga kirdim. Test javoblari chiqqanida otam qo'ng'iroq qilib qoldi. Xushxabarni yetkazdim. U esa: "Balli, bolam! Omadingni bersin!" — deb duo qildi.

O'qish ham boshlandi. Bir kuni kechki payt kitob o'qib o'tirsam, otam qo'ng'iroq qildi. Hol-ahvolimni so'rab, falon kafega yetib kel, dedi.

— Uyga qachon borasan? — dedi otam birga ovqatlanib o'tirganimizda.

Yelka qisdim.

— Bilmayman, o'qish endi boshlandi. Bu yerga o'rganib olay...

U indamadi. Xayrlashdik. Mana, shunga ham bir oy bo'ldi. Sog'indim. Mehribon onamni, otalik andishasi sabab g'amxo'rlikni bilintirmay, zimdan jon koyitadigan otamni...

Nasib etsa, yaqinda uyga qaytaman. Katta shahardagi hayot menga ko'p narsalarni o'rgatdi. Ota-onam men uchun aziz ekanini, ular istagandek farzand bo'lishim kerakligini angladim. Uyga qaytgim kelyapti, uyga!

HIKMAT

Qilmoq bila parvarish tikan gul bo'lmas,
Ham tarbiyat ila zog' bulbul bo'lmas.

OGAHIY

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.
Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI
Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev,
Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir
o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich
Navbatchi
Boboravshan G'oziddinov
Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.
QR kodini skan qilish uchun QR kodni telefoningiz orqali skan qiling.
Buyurtma G-1136
Adadi — 11093
Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarmasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma tabaq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indeksalar: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.
Boshlarga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 22.25
O'za yakuni — 21.15
Ofset usulida bosilgan.